

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ  
ҚАРОРИ**270 Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 26 январдаги 11-сон қарорига мувофиқ, устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиб-қоидалари самарадорлигини ошириш, шунингдек уларга доир битимларни содир этишда оммавийлик ва очиқ-ошкораликни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Хўжалик бошқаруви органларига — акциядорлик компанияларига зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва охири икки йил мобайнида қувватлардан паст даражада фойдаланаётган ҳамда республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлмаган, улардаги давлат улуши уларнинг устав фондига (устав капиталига) берилган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналар аниқланган тақдирда, ушбу корхоналарнинг акциялари пакетларини (улушларини) харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш масаласи бўйича тегишли бошқарув органларига кўриб чиқиш учун таклифлар (тавсиялар) киритиш тавсия этилсин.

Бунда зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш Вазирлар Маҳкамасининг тегишли комплекслари билан келишган ҳолда амалга оширилади, кейинчалик ушбу хўжалик бошқаруви органларининг устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши камайирилади.

3. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

4. Вазирликлар ва идоралар бир ой муддатда ўзларининг идоровий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг биринчи ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2015 йил 27 май,  
137-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 27 майдаги 137-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши  
50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст  
рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган  
саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари  
давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати  
бўйича сотиш тартиби тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Ушбу Низом устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан «ноль» харид қиймати бўйича хусусийлаштириш тартибида сотиш тартибини белгилайди.

Ушбу Низомнинг амал қилиши республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга бўлган корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) сотишга татбиқ этилмайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**акцияларнинг давлат пакети (улуши)** — устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган корхоналардаги (кейинги ўринларда корхоналар деб аталади) вазирликлар, идо-

ралар ва бошқа давлат ташкилотлари тимсолида мулк ҳуқуқи асосида давлатга тегишли бўлган акциялар (улуш);

**сотувчи** — Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи;

**Давлат тендер комиссияси** — давлат мулкани хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш бўйича Давлат комиссияси;

**ҳудудий танлов комиссияси** — тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари бошчилик қиладиган, таркибига Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси (танлов комиссияси раисининг ўринбосари сифатида), Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Савдо-саноат палатаси ҳудудий органларининг раҳбарлари қирадиган танлов комиссияси;

**ишчи орган** — Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи;

**харидор** — қонун ҳужжатларига мувофиқ сотувчи билан акцияларнинг давлат пакети (улуши) олди-сотди шартномасини тузган нодавлат юридик шахс ёки жисмоний шахс;

**танлов** — танлов ҳужжатлари мезонлари ва шартларига мувофиқ иштирокчилар томонидан тақдим этилган энг яхши таклифларни танлаш орқали акцияларнинг давлат пакети (улуши) харидорини аниқлаш бўйича савдолар шакли;

**танлов шартлари** — танловни ўтказиш тартиби, ўтказиш жойи, қўшимча юклама, инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар ва иштирокчиларга қўйиладиган талаблар бўйича сотувчи томонидан белгиланадиган шартлар;

**инвестиция мажбуриятлари** — харидор томонидан акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиб олишда пул баҳосига эга бўлган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда корхонага инвестицияларни амалга ошириш бўйича қабул қилинадиган мажбуриятлар;

**ижтимоий мажбуриятлар** — акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиб олишда пул баҳосига эга бўлмаган ва қонун ҳужжатларига зид бўлмаган шаклларда амалга ошириладиган харидор томонидан қабул қилинадиган мажбуриятлар;

**тўғридан-тўғри музокаралар** — танлов ўтказмасдан харидорни аниқлаш юзасидан акциядорлар (иштирокчилар), корхона ёки потенциал инвесторлар, шу жумладан хорижий инвесторлар билан олиб бориладиган музокаралар.

3. Акцияларнинг давлат пакетини (улушини) харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шarti билан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш (кейинги ўринларда акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш деб аталади) ушбу Низомга иловага биноан схема бўйича хусусийлаштириш дастурлари асосида сотувчи томонидан амалга оширилади.

Савдоларда турган, олдин қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ сотилаётган акцияларнинг давлат пакети (улуши) ушбу акция-

ларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш муддати узайтирилганда савдолардан олинмайди.

Акцияларнинг давлат пакети (улуши) танлов ўтказмасдан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан қуйидаги ҳолларда сотилади:

Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланган шартларда акциядорлар (иштирокчилар) ёки корхона томонидан акцияларнинг давлат пакетини (улушини) имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқидан фойдаланилган тақдирда. Бунда икки ва ундан ортиқ акциядор (иштирокчи) томонидан таклифлар тақдим этилганда акцияларнинг давлат пакети (улуши) яхлит (қисмларга бўлинмаган) ҳолда энг кўп, бироқ белгиланган шартлардан кам бўлмаган инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни таклиф этган акциядорга (иштирокчига) сотилади;

акциядорлар (иштирокчилар) ва корхонанинг ўзи томонидан акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиб олиш рад этилгандан кейин ёхуд ишчи органнинг ёки корхонанинг хатига белгиланган муддатларда жавоб бўлмаганда хорижий инвестордан буюртманома келиб тушган тақдирда. Бунда хорижий инвесторлар томонидан икки ва ундан ортиқ таклифлар тақдим этилганда акцияларнинг давлат пакети (улуши) яхлит (қисмларга бўлинмаган) ҳолда энг кўп, бироқ белгиланган шартлардан кам бўлмаган инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни таклиф этган хорижий инвесторга сотилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарорлари асосида сотилади.

4. «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида назарда тутилган ҳолларда акцияларнинг давлат пакетини (улушини) олиш нияти бўлган шахс Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитасининг ёки унинг ҳудудий органининг акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиб олишга олдиндан розилигини олиши шарт.

5. Акцияларнинг давлат пакети (улуши) олди-сотди шартномаси белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилиши керак. Бунда рўйхатга олиш:

акцияларнинг давлат пакети бўйича — шартнома имзолангандан кейин икки иш кунидан кечикмай Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси томонидан;

давлат улуши бўйича — Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи томонидан амалга оширилади.

6. Харидор инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни бажарунга қадар акциядорнинг (иштирокчининг) акцияларни (улушларни) тасарруф этиш ҳуқуқидан ташқари барча ҳуқуқларига эга бўлади.

## **II. Акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) рўйхатини шакллантириш тартиби**

7. Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий органлари давлат ва хўжа-

лик бошқаруви органлари билан биргаликда — уларнинг таркибига кирувчи корхоналар бўйича, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда эса — давлат ва хўжалик бошқаруви органлари таркибига кирмайдиган корхоналар бўйича Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 26 январдаги 11-сон қарорининг 3-бандига мувофиқ ҳар йили корхоналарнинг расмийлаштирилган паспортлари олингандан кейин бир ой муддатда уларнинг фаолияти қуйидаги мезонларга мувофиқлигини таҳлил қиладилар:

корхона ўз фаолиятини саноат ва қурилиш соҳасида амалга оширади;

корхона охириги икки йил мобайнида зарар кўриб ишлайди ёхуд охириги уч йил мобайнида паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланади;

корхона республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга эмас;

корхонанинг устав фондида (устав капиталида) 50 фоиздан ортиқ давлат улуши мавжудлиги.

Бунда агар иккинчи молия йили ва ундан кейинги ҳар бир молия йили тамом бўлгандан кейин корхона соф активларининг қиймати унинг устав фондидан (устав капиталидан) кам бўлиб чиқса, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига мувофиқ ушбу корхона устав фондидан (устав капиталини) унинг соф активлари қийматидан ошиб кетмайдиган миқдоргача камайтириш ёхуд уни тугатиш ташаббуси билан чиқилади.

Таҳлил натижаларига кўра Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий органлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда беш иш куни мобайнида Давлат рақобат қўмитасига акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш тўғрисида таклиф киритадилар.

Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий органлари давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда киритилган таклифларнинг асосланганлиги ва ишончилиги учун жавоб берадилар.

8. Давлат рақобат қўмитаси:

Давлат активларини бошқариш маркази ва Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси билан биргаликда ўн кун мобайнида ушбу Низомнинг 7-бандида кўрсатилган органлар томонидан тақдим этилган таклифларни умумлаштиради ва акцияларнинг давлат пакети (улуши) миқдорини аниқлайди;

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги,

Давлат солиқ қўмитаси ва Давлат статистика қўмитаси, шунингдек манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўттиз кун мобайнида хусусийлаштириш дастури лойиҳаси шаклида акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш таклиф этилаётган корхоналар рўйхатини шакллантиради ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритади.

9. Хусусийлаштириш дастури Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига кўра сотиладиган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланадиган хусусийлаштириш дастурларига киритади.

### **III. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш бўйича танлов шартларини тайёрлаш, шунингдек танловни ўтказиш ва унинг натижаларини расмийлаштириш**

10. Тасдиқланган хусусийлаштириш дастурига мувофиқ беш кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан ҳудудий танлов комиссияларига ўн беш кун муддатда келишиш учун танлов шартларини тақдим этиш тўғрисида сўровнома юборилади.

Танлов шартлари қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

тавсия этиладиган фаолият тури;

инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам ҳажми;

инвестицияларни киритиш муддати;

яратиладиган иш ўринлари сони;

катнашчиларга қўйиладиган талаблар;

бошқа мажбуриятлар (зарурият бўлганда).

Бунда инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятларнинг энг кам миқдори ва уларнинг турлари, корхонанинг тасдиқланган бизнес-режасидан келиб чиққан ҳолда, тегишли асосланган ҳисоб-китоблар ва эришилдиган прогноз параметрлари мавжуд бўлган тақдирда, корхонанинг таклифлари асосида аниқланади.

11. Ҳудудий танлов комиссиялари томонидан тақдим этилган танлов шартлари Давлат рақобат қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси билан белгиланган тартибда келишилади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси келишилган танлов шартларини тасдиқлаш учун Давлат тендер комиссиясига киритади.

Давлат тендер комиссияси томонидан тасдиқланган танлов шартлари Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси томонидан улар тасдиқлангандан кейин беш иш куни мобайнида ишчи органга юборилади.

12. Ишчи орган агар:

акциядорлар сони эллик нафардан ошмаса ва корхона уставида акциядордан акцияларни сотиб олишга бўлган имтиёзли ҳуқуқ уставда назарда тутилган бўлса;

корхона (масъулияти чекланган жамият) уставида бошқа ҳоллар назарда тутилмаган бўлса, «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида» ва «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига биноан имтиёзли сотиб олиш ҳуқуқига мувофиқ беш иш куни мобайнида тўғридан-тўғри ёки корхона орқали акциядорлар (иштирокчилар) ва корхонанинг ўзини (тилхат олган ҳолда ёхуд почта бўйича топширилганлиги ҳақидаги хабарнома билан буюртма хат юборган ҳолда) ушбу корхонанинг устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш нияти тўғрисида ёзма равишда хабардор қилади.

13. Акциядорлар (иштирокчилар)дан ёхуд корхонадан ижобий жавоб олинган тақдирда ишчи орган акцияларнинг давлат пакетини (улушини) олиш нияти бўлган акциядор (иштирокчи) ёхуд корхона билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказди, уларнинг якуни бўйича қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда олди-сотди шартномасини тузади.

14. Корхона акциядорлари (иштирокчилари) ва корхонанинг ўзи акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиб олишни рад этган ёхуд ишчи органнинг ёки корхонанинг хатига корхона хабардор қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида жавоб бўлмаган тақдирда, башарти корхона уставида ёки корхона иштирокчилари ўртасидаги келишувда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, ишчи орган акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш бўйича хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш тўғрисидаги эълонни тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Давлат рақобат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида уч кун мобайнида жойлаштиради.

15. Эълон жойлаштирилгандан кейин бир ой мобайнида хорижий инвестордан буюртманомга келиб тушмаган тақдирда акцияларнинг давлат пакети (улуши) танлов асосида сотилади.

16. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш бўйича танловга тайёргарлик кўриш, уни ташкил этиш ва ўтказиш, танлов натижаларини расмийлаштириш, шартномаларни тузиш, шунингдек танлов тўғрисидаги хабарнома чоп этилган кундан бошлаб олти ой давомида танлов таклифлари келиб тушмаган тақдирда танлов шартларини ўзгартириш Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарори билан тасдиқланган Давлат мулки объектларини харидор томонидан инвестициявий ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шarti билан «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

#### **IV. Сотилган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) нархини аниқлаш**

17. Танлов фолибини аниқлаш тўғрисида қарор қабул қилингандан ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш якунлари бўйича баённома расмийлаштирилгандан кейин сотувчи корхонага бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартларига мувофиқ мол-мулкни хатловдан ўтказиш тўғрисида ёзма талабнома юборади.

Ушбу талабнома билан хатловдан ўтказиш ва тайёрланган ҳужжатларни сотувчига тақдим этиш муддатлари белгиланади. Бунда хатловдан ўтказиш акцияларнинг давлат пакети (улуши) олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар якунланган бўлиши керак.

18. Акцияларнинг давлат пакети (улуши)нинг бозор қиймати олди-сотди шартномаси имзолангандан кейин ўттиз кун мобайнида харидор томонидан тақдим этиладиган давлат акцияларнинг давлат пакети (улуши) қийматини баҳолаш тўғрисидаги баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботида белгиланган миқдорда сотувчи томонидан эълон қилинади.

#### **V. Корхона ижро этувчи органининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари**

19. Акцияларнинг давлат пакети (улуши) олди-сотди шартномаси тузилгандан кейин ўн кун муддатда харидор ва корхонанинг ижро этувчи органи қуйидаги мажбурий шартларни назарда тутган ҳолда харидор томонидан киритиладиган инвестициялардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани тузишлари шарт:

инвестициялар сифатида киритилган маблағлардан мақсадли фойдаланиш;  
инвестициялар сифатида киритилган хом ашё ва материаллардан, асбоб-ускуналардан, эҳтиёт қисмлар ва техник қайта жиҳозлаш ва ишлаб чиқаришни модернизациялаш учун бутловчи қисмлардан мақсадли фойдаланиш ва уларнинг бутлигини таъминлаш.

Инвестициялардан фойдаланиш тўғрисидаги шартномани тузишни рад этишга йўл қўйилмайди.

20. Харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятларнинг бажарилиши давомида корхонанинг ижро этувчи органи қуйидагиларга мажбур:

харидорга инвестициялаш объектига (корхонага) кириб-чиқиш ва унинг тўғрисидаги ахборотдан фойдаланишга руҳсат бериш;

харидорнинг талаби бўйича инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилганлигини тасдиқловчи тегишли бухгалтерия ҳужжатларини тақдим этиш;

олди-сотди шартномасига ва инвестициялар киритиш режасига мувофиқ инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятларни бажаришда харидорга тўсқинлик қилмаслик;

инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятларни бажариш давомида корхонанинг молиявий-иқтисодий кўрсаткичларидаги ўзгаришлар тўғрисида сотувчини хабардор қилиш.

## **VI. Мулк ҳуқуқини тасдиқловчи ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатларни бериш тартиби**

21. Танловда ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан харидор томонидан инвестиция мажбуриятларини ва ижтимоий мажбуриятларни қабул қилиш шарти билан сотилган акцияларнинг давлат пакетлари бўйича сотувчи олди-сотди шартномаси рўйхатга олинган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига акцияларнинг давлат пакетларини харидорнинг харидорга хизмат кўрсатувчи депозитарийсидаги «депо» ҳисоб рақамига акцияларнинг давлат пакетлари олди-сотди шартномасида назарда тутилган инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар харидор томонидан бажариб бўлингунгача бўлган муддатга ушбу акцияларнинг давлат пакетлари қисмини блокировка қилган ҳолда ўтказиш учун топшириқ тақдим этади.

22. Танловда ёки тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш йўли билан харидор томонидан инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар қабул қилиниши шарти билан сотилган давлат улушлари бўйича сотувчи олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амалда бўладиган «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда сертификат беради.

23. Инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар белгиланган тартибда тўлиқ ҳажмда бажарилган деб эътироф этилган тақдирда харидор:

инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилган деб эътироф этилган кундан бошлаб беш иш кунидан кечикмай сотувчи томонидан Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ушбу акцияларнинг давлат пакетлари қисми ҳисоб рақамидан блокировка олиб ташланиши тўғрисидаги топшириқ тақдим этиши йўли билан сотиб олинган акцияларнинг давлат пакетларига;

харидор томонидан сертификатининг асл нусхаси тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатда унга сотувчи томонидан «тасарруф этиш ҳуқуқи билан» белгиси қўйилиши йўли билан сотиб олинган давлат улушларига мулк ҳуқуқига эга бўлади.

## **VII. Яқунловчи қоидалар**

24. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб беради.

25. Акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) олди-сотди шартнома-

си шартлари бажарилмаганда ёки лозим даражада бажарилмаганда сотувчи инвесторга ушбу шартнома шартлари бажарилмаганлиги тўғрисида расмий тақдимнома киритади.

Акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) олди-сотди шартномаси шартлари сотувчининг расмий тақдимномаси олингандан кейин инвестор томонидан бажарилмаганда акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш тўғрисидаги шартнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бекор қилинади.

26. Башарти Ўзбекистон Республикаси Президентининг ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан акцияларнинг давлат пакетини (улушини) «ноль» харид қиймати бўйича сотишнинг бошқача шартлари назарда тутилган бўлса, уларни сотиш акцияларнинг давлат пакети (улуши) миқдоридан қатъи назар, тегишли қарорларда назарда тутилган шартлар ҳисобга олинган ҳолда ушбу Низомда белгиланган тартибда амалга оширилади.

27. Акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш доирасида келиб чиқадиган баҳслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тартиби тўғрисида низомга  
ИЛОВА

**Устав фондида (устав капиталида) давлат улуши  
50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст  
рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган  
саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари  
давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид  
қиймати бўйича сотиш  
СХЕМАСИ**

| Босқичлар | Субъектлар   | Тадбирлар  | Бажариш муддатлари  |
|-----------|--|--|---|
| 1-босқич  | <p>Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Давлат статистика қўмитасининг ҳудудий органлари,</p> <p>давлат ва хўжалик бошқаруви органлари,</p> <p>Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари</p> | <p>1. Корхоналар фаолиятининг қуйидаги мезонларга мувофиқлигини таҳлил қилиш:<br/>корхона ўз фаолиятини саноат ва қурилиш соҳасида амалга оширади;<br/>корхона охириг икки йил мобайнида зарар кўриб ишлайди ёхуд охириг уч йил мобайнида паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланади;<br/>корхона республика иқтисодиёти учун стратегик аҳамиятга эга;<br/>корхонанинг устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқни ташкил этади.</p> <p>2. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тўғрисидаги тақлифларни шакллантириш ва Давлат рақобат қўмитасига киритиш.</p> | <p>ҳар йили (корхоналарнинг расмийлаштирилган паспортлари олингандан кейин бир ой муддатда)</p> <p>таҳлил ўтказилгандан кейин беш иш куни мобайнида</p> |
| 2-босқич  | <p>Давлат рақобат қўмитаси, Давлат активларини бошқариш маркази, Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси</p> <p>Давлат рақобат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, ДСК, Давлат статистика қўмитаси, манфаатдор вазирликлар ва идоралар</p>                   | <p>1. Тақдим этилган тақлифларни умумлаштириш ва акцияларнинг сотиладиган давлат пакети (улуши) миқдорини аниқлаш.</p> <p>2. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) «ноль» харид қиймати бўйича сотиш тақлиф этилаётган корхоналар рўйхатини шакллантириш ва Хусусийлаштириш дастури лойиҳаси шаклида Вазирлар Маҳкамасига киритиш.</p>  | <p>ўн кун муддатда</p> <p>бир ой муддатда</p>   |
| 3-босқич  | <p>Давлат рақобат қўмитаси, ҳудудий танлов комиссиялари, тегишли корхона</p>   | <p>Қабул қилинган Хусусийлаштириш дастурига мувофиқ сўров юбориш, акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш шартларини йиғиш, умумлаштириш ва тайёрлаш.</p>   | <p>Дастур қабул қилингандан кейин йигирма кун муддатда</p>  |
| 4-босқич  | <p>Давлат рақобат қўмитаси</p>   | <p>1. Тайёрланган сотиш шартлари Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан келишилишини ва Давлат тендер комиссиясига кўриб чиқиш учун киритилишини таъминлаш.</p>  | <p>белгиланган муддатларда</p>  |

| Босқичлар  | Субъектлар   | Тадбирлар   | Бажариш мuddатлари   |
|------------|--|---|--|
|            | Давлат тендер комиссияси   | 2. Тайёрланган акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш шартларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.  | Давлат тендер комиссияси томонидан белгиланган мuddатларда   |
| 5.1-босқич | Худудий танлов комиссиясининг ишчи органи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи)<br><br>Тегишли корхона, корхонанинг акциядори (иштирокчиси) | 1. Давлат тендер комиссияси қарорини олиш, тегишли корхона ва унинг акциядорларини (иштирокчиларини) корхона устав фондидаги (устав капиталидаги) акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш нияти борлиги тўғрисида хабардор қилиш.<br>2. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) имтиёзли ҳуқуқ бўйича олиш нияти бўлган тегишли корхонанинг ёки корхона акциядорларининг (иштирокчиларининг) жавобини ишчи органга тақдим этиш.   | Давлат тендер комиссияси қарори қабул қилингандан кейин 10 иш куни мобайнида<br><br>тегишли хабарнома олингандан кейин бир ой мuddатда   |
| 5.2-босқич | Худудий танлов комиссиясининг ишчи органи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи)<br><br>Чет эл инвестори                                     | 1. Акцияларнинг давлат пакетини (улушини) сотиш бўйича манфаатдор хорижий инвесторлар билан тўғридан-тўғри музокаралар ўтказиш тўғрисидаги эълонни тегишли равишда Давлат рақобат кўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг расмий веб-сайтларида жойлаштириш.<br>2. Акцияларнинг давлат пакети (улушини) олиш тўғрисида Давлат тендер комиссиясининг ишчи органига (Давлат рақобат кўмитаси худудий органига) буюртманомга тақдим этиш.   | сотиладиган акцияларни (улушларини) сотиб олиш ҳуқуқи рад этилганлиги тўғрисида жавоб олинган кундан кейин ёки тегишли жавоб олиш учун белгиланган мuddат тугагандан кейин уч кун мобайнида<br><br>эълон жойлаштирилгандан кейин бир ой мuddатда |
| 5.3-босқич | Худудий танлов комиссиясининг ишчи органи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи)   | 1. Танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонни оммавий ахборот воситалари ва веб-сайтда чоп этиш, «ноль» харид қиймати бўйича сотиш таклиф этилаётган акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) тўғрисидаги ахборотни ошкор этиш.<br>2. Танловда иштирок этиш учун буюртманомаларни қабул қилиш, талабгорларни танлов ҳужжатлари билан таъминлаш ва иштирокчилар рўйхатини шакллантириш, шунингдек танловни ўтказиш ва ғолибни аниқлаш.<br>3. Танлов натижалари тўғрисида танлов иштирокчиларини хабардор қилиш.<br>4. Акцияларнинг давлат пакетларини (улушларини) сотиш бўйича ўтказилган танлов натижаларини расмийлаштириш. | танлов ўтказилишдан олдин 30 кундан кам бўлмаган мuddатда<br><br>танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонда кўрсатилган мuddатларда<br><br>беш иш куни мобайнида қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатларда  |
| 6-босқич   | Худудий танлов комиссиясининг ишчи органи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи), тегишли корхона  | Акцияларнинг давлат пакетлари (улушлари) сотилган тегишли корхона томонидан мол-мулкни хатловдан ўтказиш.   | бухгалтерия ҳисобининг миллий стандартлариға мувофиқ (олди-сотди шартномаси тузилгунга қадар)  |
| 7-босқич   | Харидор, сотувчи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи), баҳоловчи ташкилот  | 1. Акциядор (иштирокчи) ёки корхона ёки хорижий инвестор ёхуд талабгор билан олди-сотди шартномасини тузиш.<br>2. Сотувчи томонидан акцияларнинг давлат пакети (улуши) бозор қийматини олди-сотди шартномаси имзолангандан кейин ўттиз кун мобайнида харидор томонидан тақдим этиладиган баҳолаш тўғрисида баҳоловчи ташкилотнинг ҳисоботида белгиланган миқдорда эълон қилиш.  | қонун ҳужжатларида белгиланган мuddатларда<br><br>олди-сотди шартномаси тузилгандан кейин 30 кун мuddатда  |
| 8-босқич   | Сотувчи (Давлат рақобат кўмитасининг худудий органи), Қимматли қоғозлар марказий   | Акцияларнинг давлат пакетлари бўйича — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига акцияларнинг давлат пакетларини харидорнинг харидорга хизмат кўрсатувчи депозитарийсидagi депо ҳи-  | олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб беш иш куни мобайнида   |

| Босқич-лар | Субъектлар  | Тадбирлар   | Бажариш муддатлари   |
|------------|---|---|--|
|            | депозитарийси, харидорнинг депозитарийси  | соб рақамига инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар харидор томонидан бажариб бўлингунгача бўлган муддатга ушбу акцияларнинг давлат пакетлари қисмини блокировка қилган ҳолда ўтказиш учун топшириқ тақдим этиш.<br>Давлат улуши бўйича — инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар тўлиқ бажарилгунгача амалда бўладиган «тасарруф этиш ҳуқуқисиз» белгисини қўйган ҳолда сертификат бериш. | олди-сотди шартномаси тузилган кундан бошлаб ўн иш куни мобайнида  |
| 9-босқич   | Харидор, Сотувчи (Давлат рақобат қўмитасининг ҳудудий органи), Қимматли қоғозлар марказий депозитарийси | Акцияларнинг давлат пакетлари бўйича — Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсига ушбу акцияларнинг давлат пакети ҳисобидан блокировка олиб ташлаш тўғрисидаги топшириқни тақдим этиш.<br><br>Давлат улушлари бўйича — сотувчи томонидан «тасарруф этиш ҳуқуқи билан» белгисини қўйиш.  | инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилган деб эътироф этилган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай<br><br>инвестиция мажбуриятлари ва ижтимоий мажбуриятлар бажарилган деб эътироф этилганда харидор томонидан сертификатнинг асл нусхаси тақдим этилган кундан бошлаб беш иш кундан кечиктирмай |

Вазирлар Маҳкамасининг  
2015 йил 27 майдаги 137-сон қарорига  
2-ИЛОВА

### Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 8 июндаги 285-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қийматли қоғозлар билан битишувлар тузиш ва уларни рўйхатдан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 5-банди иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдиси бўйича иккиламчи бозордаги битимлар фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда тузилади, акциядорларнинг талабига кўра акциядорлик жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олишга, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини «ноль» харид қиймати бўйича сотишга оид битимлар бундан мустасно».

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 29 апрелдаги

196-сон қарорининг (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 4-сон, 33-модда) 1-банди қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«1. Белгилаб қўйилсинки, акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдиси бўйича иккиламчи бозордаги битимлар фақат қимматли қоғозларнинг биржа бозорида ва уюшган биржадан ташқари бозорда тузилади, акциядорларнинг талабига кўра акциядорлик жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олишга, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини «ноль» харид қиймати бўйича сотишга оид битимлар бундан мустасно.

Акциядорлик жамиятлари акцияларининг олди-сотдиси бўйича фонд биржалари ва тегишли лицензияларга эга бўлган қимматли қоғозлар билан биржадан ташқари савдо қилиш ташкилотчиларининг савдо тизимларидан ташқарида иккиламчи бозорда тузилган битимлар ҳақиқий эмас деб ҳисобланади, акциядорлик жамияти томонидан ўз акцияларини сотиб олишга, шунингдек устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакетларини «ноль» харид қиймати бўйича сотишга оид битимлар бундан мустасно».

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Паст рентабелли, зарар кўриб ишлаётган иқтисодий ночор давлат корхоналарини ва объектларни хусусийлаштиришни жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 26 августдаги 368-сон қарорининг 3-банди олтинчи хатбошига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 8-сон, 78-модда) «паст ликвидли объект» сўзларидан кейин «шу жумладан устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналарнинг акциялари давлат пакети (улуши)» сўзлари қўшилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 6 октябрдаги 279-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 10-сон, 104-модда):

а) Давлат акцияларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ушбу Низомнинг амал қилиши:

давлат акцияларини суднинг қарори асосида;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналардаги давлат акцияларини «ноль» харид қиймати бўйича сотишда юзага келадиган муносабатларга татбиқ этилмайди»;

б) Масъулияти чекланган жамиятлар устав фондлари (устав капиталлари)даги давлат улушларини сотиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 1-банди иккинчи хатбоши қуйидаги мазмундаги иккинчи — тўртинчи хатбошилар билан алмаштирилсин:

«Ушбу Низомнинг амал қилиши:

давлат улушини суднинг қарори асосида;

устав фондида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли ва қувватлардан паст даражада фойдаланаётган саноат ва қурилиш соҳасидаги корхоналардаги давлат улушини «ноль» харид қиймати бўйича сотишда юзага келадиган муносабатларга татбиқ этилмайди».

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг барқарор фаолиятини ва уларнинг қувватларидан юқори даражада фойдаланишни таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 26 январдаги 11-сон қарорининг 5-банди (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 1-сон, 3-модда) тўртинчи хатбошига «қувватлардан паст даражада фойдаланаётган» сўзларидан кейин «саноат ва қурилиш соҳасидаги» сўзлари қўшилсин.